**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича**

# ШАРТНОМА № 1

Норин тумани 2022 йил «09» апрель

Норин туман тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бирлашма бошлиғи Н.Холмирзаева (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва " ORZU TAMINOT "МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари С.Батиров (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини ошхонасини аутсорсинг хизматини бажариш хизматини Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил "06" апрелдан.

2022 йил "31" декабргача.

1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

Сканировано с CamScanner

2.2.3. Пархез таомларни сифатли таёрланишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаш;

2.2.4. Махфийлик тартибига катъий риоя килиш;

2.2.5. Шартномани бекор килиш хакида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига кадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик хажмда кўрсатиш.

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаш.

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чикариш (хизмат кўрсатиш) хоналари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш бўйича конуний талабини бажариш.

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиш.

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя килиш мажбуриятини юклаш.

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариш, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга ижара тўловисиз топширилган бино, ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошкалар моддий воситаларни соз холда саклаш, таъмирлаш, шунингдек, биноларни таъмирлаш.

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган холда, Буюртмачидан бепул ижара асосида биноларни фойдаланиш шарти билан (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошкалар моддий воситаларни кабул килиб олиш.

2.2.14. Мазкур шартномани бекор килиш хакида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириш, ушбу муддат тугагунига кадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаш.

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўкитишни (малакасини оширишни) амалга ошириш (талаб этилган холларда).

2.2.16. Қонун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи куйидаги хукукларга эга:

2.3.1. Таомларни сифатли таёрлашни ва етказиб берилишини талаб килиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат килиш.

2.3.3. Шартномани бекор килиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаш.

2.3.4. Қонун хужжатларига мувофик бошка хукуклар.

2.4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

Сканировано с CamScanner

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши.

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида "О" қийматда биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши.

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## III. Хизматлар нархи ва ўзаро хисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 968 200 000 (туккиз юз олтмиш саккиз миллион икки юз минг ) сўмни ташкил этади.

3.2. Буюртмачи амалдаги конунчиликда курсатилган муддатларда курсатилган микдордан кам булмаган, яъни 30 % (фоиз) аванс туловини олдиндан аутсорсинг хисоб ракамига утказиб беради.Колган 70 % (фоиз) микдордаги туловни бажарилган ишлар кабул килиб олингач шу ой узида хисоб фактурага асосан утказиб беради.

3.2.1.Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро хисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги киймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.2.2. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофик Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.2.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб. 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.2.4. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

## IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

Сканировано с CamScanner

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

**VI. Форс-мажор ҳолатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

**VII. Якунловчи қоидалар**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

**VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати**

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган ва худудий газначиликдан руйхатдан утган пайтдан кучга киради ва 31.12.2022 йил ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

**IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари**

**“Аутсорсер”**

" ORZU TAMINOT "МЧЖ
Манзил:Норин т.Хакулобод ш.
х/р 20208000405343726001
ИНН 308189178 МФО 00722
Банк номи:Норин т Халк Банки

Рахбар: С.Батиров

O'ZB. RES. NAMANGAN VILOYATI NORIN TUMANI MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT ORZU TAMINOT

**“Буюртмачи”**

**Норин туман тиббиёт бирлашмаси**

Манзил: Норин тумани, Беруний кўчаси, 21-уй.
ХВ:100022860142167073101054001
ИНН: 200084563

**Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги**

ХР 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шахар
МФО 00014 ИНН 201122919

**Бирлашма бошлиғи Н.Холмирзаева**

Сканировано с CamScanner

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: QF57505З7535

олиxona

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ FR58631451

1. Loyihaning turi. Shartnoma.

2. Loyihaning nomi.
Autsorsing asosida xizmatlar ko'rsatish to`g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.
Shartnoma loyihasi Norin tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 09.04.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti Z.Tursunov

2022-yil 12-aprel

Сканировано с CamScanner

# М У Х О К А М А   Қ А Р О Р И.

“ 8 “ апрель 2022 йил                                                    Наманган.ш

Наманган вилояти худудидаги Норин туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 2021 йил “ 30 “ мартдаги №22110012061538 -сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрельдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 56 ва 58 –моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича ТТБ ошхонасини аутсорсинга утказиш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрельдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни - 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Орзу таъминот” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюрмачиси томонидан у расмийлаштирилган кундан давлат харидларининг электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюрмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди . Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Норин туман тиббиёт бирлашмаси рахбари:                    Н.Холмирзаева.

Норин туман тиббиёт бирлашмаси бош хисобчиси:                    З.Абдуқаххарова

Сканировано с CamScanner

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 61538 на приобретение Услуга аутсорсинга по доставке еды

Способ проведения электронный

Дата 06.04.2022

Время рассмотрения 06.04.2022 11:03

Конкурсная комиссия Норин туман тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SOBIRJONOV MUSLIMJON MAXMUDJON O'G'LI | Комиссия раиси | Норин туман тиббиёт бирлашма |
| **Секретарь комиссии** | ORTIQALIYEV DOSTON RUSTAMJON O'G'LI | комиссия котиби | норин туман тиббиёт бирлашмаси |
| **Член комиссии** | ABDURAXMONOV MUXAMMADJON ALIJONOVICH | комиссия аъзоси | норин туман тиббиёт бирлашмаси |
| **Член комиссии** | UBAYDULLAYEV XAYRULLOJON MAXMUDJONOVICH | комиссия аъзоси | норин туман тиббиёт бирлашма |
| **Член комиссии** | ISAKOV DILMUROD XOLMAMATOVICH | комиссия аъзоси | Норин туман тиббиёт бирлашмаси |
| **Член комиссии** | ABDUQAHHOROVA ZUHRAXON MADAMINOVNA | комиссия аъзоси | норин туман тиббиёт бирлашмаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 06.04.2022 года № лота 61538.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга аутсорсинга по доставке еды** |
| Подробное описание | Услуга аутсорсинга по доставке еды бюджет |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 998 163 000.00 |
| Стартовая сумма | 998 163 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). -Танловда қатнашиш кунида Давлат солик инспексиясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов савдо иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувохномадан, Таъсисчи ва раҳбарнинг Паспорт нусхалари). -Танловда қатнашиш кунида Давлат солик инспексиясидан солиқдан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

Обязательность: Критично

Сканировано с CamScanner

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО NORINLIK FAZLIDDIN ORZUSU | 25 | 978200000 | 19 | Экспертная | | |
| ООО ORZU TAMINOT | 25 | 968200000 | 25 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО NORINLIK FAZLIDDIN ORZUSU | 25 | 978200000 | 19 | Экспертная | | |
| ООО ORZU TAMINOT | 25 | 968200000 | 25 | Экспертная | | |

Критерий №3 калькуляция, шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари. -

Тип: Текстовое значение

Описание: калькуляция, шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари. -

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО NORINLIK FAZLIDDIN ORZUSU | 25 | 978200000 | 19 | Экспертная | | |
| ООО ORZU TAMINOT | 25 | 968200000 | 25 | Экспертная | | |

Критерий №4 - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги икки йиллик иш тажрибаси. - Банк кафилиги бўлсин. - Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги икки йиллик иш тажрибаси. - Банк кафилиги бўлсин. - Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО NORINLIK FAZLIDDIN ORZUSU | 25 | 978200000 | 19 | Экспертная | | |
| ООО ORZU TAMINOT | 25 | 968200000 | 25 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|

Сканировано с CamScanner

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **ООО ORZU TAMINOT** | 998 163 000.00 | 968 200 000.00 | 30.03.2022 20:38:32 | 30.00 |
| **ООО NORINLIK FAZLIDDIN ORZUSU** | 998 163 000.00 | 978 200 000.00 | 30.03.2022 20:17:38 | 29.69 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО ORZU TAMINOT** | 70 | 30 | 100 |
| **ООО NORINLIK FAZLIDDIN ORZUSU** | 53.2 | 29.69 | 82.89 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 61538 от 06.04.2022 года на приобретение Услуга аутсорсинга по доставке еды определила победителем:

ООО ORZU TAMINOT
308189178

и резервный исполнитель: ООО NORINLIK FAZLIDDIN ORZUSU (308021545)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | SOBIRJONOV MUSLIMJON MAXMUDJON O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDURAXMONOV MUXAMMADJON ALIJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UBAYDULLAYEV XAYRULLOJON MAXMUDJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISAKOV DILMUROD XOLMAMATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDUQAHHOROVA ZUHRAXON MADAMINOVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Сканировано с CamScanner

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ORZU TAMINOT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

"ORZU TAMINOT" MChJ

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

12.02.2021 950775 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 309189178

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Namangan viloyati, Norin tumani, Qo`rg`ontepa, SIRMOQ MFY.

Guvohnoma: Namangan viloyati, Norin tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)






Сканировано с CamScanner

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси
Норин тумани Давлат солиқ инспекцияси
160400. Хаккулобод шахар Узбекистон кучаси. тел. 6121283

**420703-сонли**

# МАЪЛУМОТНОМА

Юридик шахс **ООО "ORZU TAMINOT"** Норин тумани давлат солиқ инспекциясида 308 189 178 - сонли СТИР рақам билан рўйхатга олинган ҳамда Норин туман ДСИ да бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдида **24.03.2022** ҳолатига солиқ қарзи мавжуд эмас.

Ушбу маълумотнома Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти орқали шакллантирилган ва чоп этилган

ДИҚҚАТ!

Маълумотномани ДСҚнинг «repository.soliq.uz» веб тизими орқали текшириб кўриш мумкин

*Мазкур маълумотнома корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 34-моддасида келтирилган солиқ мажбуриятларини тўлиқ бажарилганлигини асосламайди.*

863443

**24.03.2022**

Маълумотномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг.

Сканировано с CamScanner